

УЙ-ЖОЙ НИЗОСИ ҚАЕРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ?

Бу каби ачинарли ҳолатлар, афсуски, жамият ҳаётида тез-тез учраб туради. Бунинг асосий сабабларидан бири, шубҳасиз, уй-жойнинг рўйхатдан ўтказилмагани ва оила аъзоларининг эътиборсизлиги билан боғлиқ. Мисол учун, васиятнома бўлса-да, ота-она вафотидан кейин ҳам уй-жой уларнинг номида йиллар давомида тураверади.

■ Сенатор мушоҳадаси

Келин 5-6 нафар фарзанд кўрган-дан кейин ҳам яшаб турган уйига рўйхатга қўйилмайди. Боз устига номида 15 — 20 сотихлаб ери бор ота-хон ёки онахонлар ҳаётдалиги пайтида уни фарзандларига хатлаб бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Утиб кетгандан кейин эса, истаса-истамаса низо келиб чиқаверади. Хўш, нуронийларга ушбу маконни қонунга мослаб, ўзига ва фарзандлари номига 6 сотихдан расмийлаштиришга нима ҳалал берапти?

Яна бир сабаби оилавий ажрим кимнинг ташаббуси билан бўлишидан қатъи назар, аёл болаларини олиб, ота уйига кетиб қолаётгани билан боғлиқ. Икки оёғи бира этикка тикилган бечора аёл қайнона номидаги ҳовлига сифмай қолади. Қайнона эса “дониманд” ўғлининг гапи билан бу ҳовлини бошқа фарзандига ҳадя қилади ёки сотиб юборади.

Қисқаси, нима қилиб бўлса-да, келинни уйга киритмаслик учун минг бир ҳийлани ўйлаб топадилар.

Баъзан уй-жой бир киши номига олинади, аммо уни, оғзаки келишувда биноан, бошқа одам кўради ва яшайди. Баъзида “ука”, “жиян”, “қайни”лар ўзининг номидаги уйдан узоқ муддат фойдаланиши мумкинлигини билиб, “инжиқ”лик қилишади. Мол-мулк, уй-жой борасидаги низоларнинг каттагина қисми шу жараёнга тегишли.

Ҳуқуқий саводхонлик пастлиги ва эътиборсизлик ҳам бу низоларнинг яна бир омилidir. То ички ишлар идораси ходимлари сўрамагунча кўпчилик паспортдаги ёзувларни ўқиб кўрмайди, яшаш жойида рўйхатдан ўтмайди, манзилини ўзгартирганда паспортига қайд қилдирмайди.

Уй-жой низо си туфайли ўзбекона кадриятларимизга путур етаётгани

янада ачинарлидир. Ота ўзи ёмон ибрат кўрсатгани, фарзандларига яхши тарбия бермаганини тан олгиси келмасдан ноқобил фарзандининг “кўзини очиб қўйиш” мақсадида уни уй-жойдан махрум қилади. Ёки бунинг акси, ношуд фарзанд ота-онасини кўчада қолдириш учун бор хунарини ишга солиб кўради.

Яқинда бир таниш судья ёзғириб қолди: “Ота-бола, эр-хотин, ака-ука, опа-сингилларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўриб, наҳотки, шулар бир оила бўлиб яшаган ёки бир ота-онадан туғилган бўлса, деб ўйланиб қоласан...”

Уй-жой низоларидаги янги ҳолатлар — янгисини қуриш баҳонасида эски уйлар бузилиши билан боғлиқ. Айниқса, шахарларда бундай ҳолатлар охириги пайтда анча кўпайиб кетди. Қишлоқ туманларида ҳам йўқ эмас.

Хўш, шундай вазиятда нима қилиш керак? 2-3 та низо ни ҳал этиб, ўзимизни овутиб юраверамизми?

Назаримизда, оилани ҳимоя қилишнинг энг асосий йўли унинг ҳар бир аъзосини илмли, ишли, уйли қилиш, кўп болали, ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилаларни кўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни

уй меҳнати билан банд этиш.

Лекин шунча ҳаракат ва эътиборга қарамадан, айрим ҳудудларда уй-жой низо си барҳам топмаяпти. Тажриба шуни кўрсатяптики, уй-жой низо си фақат битта оиланинг ташвиши эмас. Бунинг учун жамоатчилик фаоллиги лозим. Шу ўринда айрим тақлифларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Авалло, кадастр хизматини жиддий ислоҳот қилиш зарур. Рўйхатдан ўтказилмай турли уй-жойларни ўрганиш ва расмийлаштириш бўйича уюштирилган бир йиллик акция тажрибаси шуни кўрсатдики, бу жараён фуқаролар ҳуқуқий онгига таъсир қилибгина қолмасдан, кўплаб низо ларга ҳам барҳам берди. Ана шу ишни рўйхатдан ўтказилмаган барча уй-жойларга қўллаш зарур. Айниқса, аҳолини рўйхатга олиш мавсуми олдидан бу тадбир жуда кўп масалага ойдинлик киритади.

Айни чоғда жамоатчилик салоҳияти ва таъсиридан унумли фойдаланиш керак. Ҳали шахсий уй-жойи йўқ, ишлаб маош олмаган йигит-қизлар турмуш қургач, ота-онага қарам бўлади, улар айтгандай яшашга мажбур, шу сабабли келин-куёвнинг сал но-тўғри ҳаракати катта ёшдагиларда

салбий муносабат уйғотади. Демак, фарзандларни уйлантириш ёки турмушга чиқаришда уларнинг мустикал ҳаётга тайёр эканини баҳолаш ота-она зиммасида. Бу бурчни улар онгига сингдириш ўринлидир.

Фуқаролар ўртасида паспортга эътиборни кучайтириш, рўйхатдан ўтишни тушунтириб бериш ҳам уй-жой низо ларини камайитиришга хизмат қилади. Бу ишни маҳалла оқсоқоли, профилатика инспектори ўз зиммасига олмоғи лозим.

Қолаверса, йиллар синовидан ўтган миллий кадриятларимизни болалар шуурига сингдириш чораларини кучайтиришимиз керак. Шарият, тартиб-тамоийларни билан, аввало, ота-оналарни, катта ёшдагиларни харбардор этиш фурсати аллақачон келган. Тегишли ташкилотлар бу юзасидан оммабоп, оилабоп рисоалар, болалар учун альбом, китоблар тайёрласа, телевизорда махсус кўрсатувлар йўлга қўйилса, нур устига нур бўларди.

Мақсад битта — уй-жой билан боғлиқ низо ларнинг олдини олиш. Шу маънода, бу борада ҳар қандай во ситалардан фойдаланиш ўринлидир. Зеро, халқимиз “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади”, деб бежиз айтмаган.

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенат аъзоси.